

МАСАД ВА ҲАЁТИЙ МАҚСАД МУОММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Санжар Синдоркулович Каримов

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

haqiqiysanjar@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фалсафий тафаккур тараққиётининг турли даврларида мақсад ва ҳаётий мақсад тушунчаларининг фалсафий категория сифатида шаклланиши ва ривожланиши масалалари ўрганилган. Мақолада мақсад ва ҳаётий мақсадларнинг моҳияти, структураси, фаолият жараёнидаги ўрни масалалари ҳамда ҳаётий мақсадларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги турли давр файласуфларининг ёндашув ва қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мақсад, восита, ҳаётий мақсад, олий мақсад, эҳтиёж, манфаат, фаолият, сабаб, имконият ва воқеилик, идеал, зиддият, мавжудлик, танлов.

ABSTRACT

This article examines the formation and development of the concepts of purpose and life purpose as a philosophical category at different stages of development of philosophical thinking. The article provides a comparative analysis of the approaches and views of philosophers of different periods on the nature, structure, role of goals and life goals in the process of activity, as well as the importance of life goals in human life.

Keywords: purpose, means, life purpose, higher purpose, need, interest, activity, cause, opportunity and reality, ideal, contradiction, existence, choice.

КИРИШ

Фалсафа тарихининг барча даврларида - инсон, унинг мавжудлиги ва моҳияти, фаолияти, ҳаётининг мазмуни ва мақсади каби масалалар файласуфларнинг муҳокама марказида бўлиб келган. Хусусан инсоннинг мақсади ва ҳаётий мақсадлари муаммоси инсон ҳақидаги фалсафий таълимотларнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланган.

Шунинг учун ҳам, инсоннинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва фаоллигининг асосий дедирминанти ва йўналтирувчи омили



бўлган ҳаётий мақсад тушунчасини ўрганиш барча даврларда ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Жумладан, қадимги Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё, Месопотамия худудларида инсоннинг ҳаётий мақсадлари тўғрисидаги тасаввурлар мифологик дунёқарашнинг ривожланиб бориши ва унинг негизида фалсафий қарашларнинг вужудга келиши даврлардаёқ шаклланиб турли туман диний-мифологик ва эпик манбалар мазмунида мужассамлашган бўлса ҳам бўлса ҳам бу тушунчанинг фалсафий жиҳатдан ўрганилиши антик давр ғарб фалсафасига ҳосдир.

Шахсда ҳаётий мақсадлар шаклланишининг фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича турли файласуфларнинг фикр ва қарашларини илмийлик ва мантиқийлик принциплари асосида ўрганиш - мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш ва ёшларда ҳаётий мақсадларни тарбиялашнинг замонавий услубларини яратишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақсад фалсафий муоммо сифатида қадимги Грецияда Сукрот даврида вужудга кела бошлайди. Сукрот мақсад тушунчасини инсон фаолиятининг мақсади сифатида таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Хусусан, Сукрот дунёда ҳамма нарса муайян мақсадга йўналтирилган, деган фикрга келади, яъни дунёни телеологик нуқтаи назардан тушунтиради. Худди шундай, инсон фаолияти ҳам маълум мақсадни, яъни мутлақ яхшилик ёки бахт-саодатни кўзлайди. Инсоннинг фаолияти ҳам маълум мақсадга эришишни тақозо қилади [8,51]. Сукрот мақсадни хусусий, умумий ва сўнги босқичларга ажратади. “Ўз-ўзини мукаммаллаштиришга интилишдан кўра яхшироқ яшаш мумкин эмас[14]”,- дейди Сукрот. Демак, инсоннинг фаолияти аввало, ўз-ўзини англашга ва ўзгартиришга, ундан кейин одамларни (жамиятни) ўзгартиришга, тарбиялашга қаратилмоғи лозим. Мана шу жараёнда инсон ҳам назарий тафаккурий, ҳам ахлоқан-қалбан такомиллашиб боради ва сўнги, илоҳий мақсадга эришади. Сукрот фикрича аслида инсоннинг мақсадли фаолиятининг барча босқичлари илоҳий ақл таъсирида содир бўлади ва амалга ошади.

Платон устози Сукротнинг ахлоқий – фалсафий таълимотини ўзининг ғоялар ҳақидаги концепсияси билан боғлашга ҳаракат қилди ва илоҳий эзгуликни бутун борлиқни олий мақсади сифатида эътироф этди. Жумладан, “Ғоялар ҳукмронлиги мақсадга муофиқ ҳукмронликдир. Айнан фаровонлик ғояси барча ғояларни

муайян бирликка элтади. Бу бирлик мақсаддир. Дунёда ҳукмрон тартиботлар мақсадга мувофиқ тартиботлардир. уларнинг барчаси фаровонлик мақсадига қаратилган. Ҳар қандай вақтинчалик ва нисбий мавжудлик қандайдир объектив борлик мақсадига эгадир”[4,49],- деб ёзади Платон.

Платон қарашларига кўра, борлиқнинг умумий мақсадга мувофиқ тузулиши инсоннинг аниқ мақсадни кўзлаган фаолиятида номоён бўлади. “Инсон ўзи ишлов бераётган предмет муайян кўринишга эга бўлиши учун доимо бирон бир тимсолни фикрида сақлаб туради, унга зарур бўлган воситаларни танлайди. Яъни мақсад тимсолидан келиб чиққан ҳолда ўз меҳнатини ташкил қилади. Инсоннинг мақсадида мақсад тимсоли бир бутунликда номоён бўлади” [9.Т.1,335].

Қадимги Юнонистоннинг энг йирик файласуфи Арестотелнинг мақсад тўғрисидаги қарашлари Сукрот ва Платоннинг қарашларидан нисбатан фарқ қилади. Арестотель энг аввало, мақсадга онтологик нуқтаи назардан ёндашади. Яъни, у мақсадни борлиқнинг сабаблари (асослари) тўғрисидаги таълимот бўлган натурфалсафанинг масалалари қаторига киритади.

Арестотел ўзининг «Метафизика» асарида тўрт хил сабаб ҳақида фикр юритади. Улар қуйидагилар: 1) моддий сабаб; 2) шаклий сабаб; 3) яратувчи сабаб; ва 4) мақсад сабаб. У бунда бу сабабларнинг ҳар бирини бир-бир таҳлил қилиб, изоҳлаб беради, моддий сабаб, яъни модда ҳар бир нарсанинг материали, ҳар бир нарса ундан ҳосил бўлади. Шаклий сабаб, яъни шакл ҳар бир нарсага шакл ато қилади. Масалан: «ҳайкал шаклсиз бронзадан, идиш-тавоқлар бешакл лойдан фарқ қилишиб, улар муайян шакл воситасидагина шу нарса қиёфасини касб этади. Агарда шакл бўлмаса, бронза ёки мис, лой қандай материал ҳолида бўлса, шундай қолаверади», дейди у. Арестотел бунда шаклни фаол ҳисоблайди, у хатто шаклни нарсанинг борлиқ кўриниши, борлиқнинг маъноси, дейди. Арестотел фикрича, агар модда ва шакл «нарсалар нималардан тузилган?» деган саволга жавоб берса, «яратувчи сабаб нима яратилди?»- деган саволга жавоб беради. Масалан, ота-она боланинг сабабчисидир. Охирги сабаб-бу «мақсад» бўлиб, Арестотел тасаввурича, «нима учун? деган саволга жавоб бўлиб, унда табиат ҳодисаларининг келиб чиқиши, пайдо бўлиши ифодаланади. Арестотел бу билан ҳар бир ижтимоий ҳодисада, ҳар бир инсон фаолиятида маълум мақсад борлигини қайд қилади[6,199].

Демак, Арестотель ўзининг тўрт сабаб ҳақидаги қарашларида моддий, шаклий ва ҳаракатлантирувчи сабаблар

билан бир қаторда мақсад сабаб ҳам борлигини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, мақсад сабаб - бу охирги сабабдир.

Аристотел мақсадни ҳаракат, ўзгариш, фаолият билан боғлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳаракат – жараён, фаолликдир. Ҳаракат – нарсаларнинг имкониятдан воқеиликка айланиш жараёнидир. Бу жараёни охирги мақсадга йўналтирилган муайян зарурият, шарт-шароитлар билгилайди. Шу асосда мақсадли ҳаракат, фаолият ҳодисанинг йўналишини белгилаб беради. Демак, Аристотель қарашларига кўра, оламда юз берадиган барча ҳодисалар бирор бир мақсад асосида содир бўлади. Мақсадга эришиш орзуси, унга интилиш инсонни, нарса ва ҳодисаларни ҳаракатга келтиради.

Фалсафа тарихида ўзларининг ўзига ҳос таълимоти билан машҳур бўлган Стоиклар ҳам мақсад муоммоси билан шуғулланганлар. Уларнинг қарашларига кўра, жониворларнинг мақсадга мувофиқ инстинктларига қарама-қарши ҳолатда инсон фаолиятининг мақсади онгли муҳокама юритиш ва танлов билан боғлиқдир. Мақсадни эркин танлаш инсон фаолиятининг кўплаб йўллари, имкониятини, инсон табиати турли-туманлигининг универсаллигини тақозо этади, шунинг учун ҳам ахлоқийлик фақат инсонгагина ҳосдир. Инсон ҳайвондан фарқли равишда фақат бугунги кун билангина яшамайди, балки ўз ҳаётий мақсадини англаган ҳолда қуруш учун ўтмиш ва келажакни бирлаштиришга ҳам қодирдир. Диоген Лаэтрескийнинг маълумотига кўра, Зенон биринчи бўлиб, “Инсоннинг табиати ҳақида”ги рисолида инсоннинг асосий мақсади – табиат билан ҳамнафас бўлиб яшашдир, деб ўқтиради [4,129].

Ўрта асрлар фалсафасида мақсад тушунчасининг мазмуни бойитишга оид илмий ғоялар етарли даражада бўлмади. Айни пайтда, бу даврда қадимги грек файласуфларининг ушбу масалага доир қарашлари йўққа чиқарилди ёки нотўғри талқин этилди. Ўрта асрлар фалсафасида инсонни бу оламдаги бутун ҳаёти охирги мақсад – нариги дунёда ҳузур-ҳаловатда яшаш учун восита деб ҳисобланди.

Фалсафа тарихида мақсад категориясини ривожлантиришда И.Кантнинг қарашлари муҳим ўрин эгаллайди. Кант фақат инсон фаолиятини ташкил қилиш, ҳосил қилиш ва йўлга солишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш керак, деган таклифни беради. Чунки, уларнинг асосида онгли мақсад ётади. Кант мақсадни “оламда мавжуд бўлган сабаблардан бири деб ҳисоблайди ва инсон фаолияти учун ҳос бўлган сабабиятнинг маҳсус шакли сифатида татқиқ этади. Унинг фикрича, мақсад сабабларга асосланиши мумкин, аммо уларни қабул қилишда мутлақо



эркинدير. Албатта, инсон фаолияти мажбурий бўлиши ҳам мумкин, аммо бундай фаолиятда мақсад бўлмайди [11].

Кант таълимнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, унда мақсаднинг мантикий-гносеологик муоммолари ахлоқий – гуманистик омилларга боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Яъни ахлоқий – гуманистик омиллар инсон ҳаётининг фундаментал муоммоларни ҳал этишнинг назарий асоси сифатида номоён бўлади. Ушбу ёндашув негизида Кант мақсад муоммосини қўйиш ва ҳал қилишнинг бўлиши мумкин бўлган уч даражасини фарқлайди.

Биринчи даража маҳорат, қобилиятга тегишли бўлиб бу муаммонинг мантикий техник томонини ташкил этади. Яъни бунда у ёки бу мақсадга қандай қилиб ва қандай воситалар орқали эришиш ҳақида гап боради.

Иккинчи юқори даражада эҳтиёткорлик муоммоси пайдо бўлади. Мантикий ва техник муоммо эзгу мақсадга эришиш истаги билан оқланади.

Кантга кўра мақсадга эришишнинг олий даражаси ахлоқий муоммодир. Яъни инсон қандай мақсад сари интиляпти. Ушбу муаммонинг қўйилиши ахлоқий принципни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Кантнинг фикри бўйича ушбу принцип қонун даражасига эга бўлиши ҳамда унда мақсаднинг мазмуни фақат алоҳида ҳатти-ҳаракат ёки фаолиятгагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, аксинча ҳар доим ахлоқий танловга асос бўлиши ва хусусий фаолият ва мақсадларни баҳолаш мезони ҳам бўлмоғи лозим. Бунда Кант “мақсад ўзи нима?” деган мантикий муоммо доирасидан чиқиб, “инсоннинг мақсади ўзи нима?” деган анча чуқур маъноли муоммога ўтади. Бундай бурулиш кейинги бутун фалсафа тарихида ахлоқий фалсафий муоммоларнинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берди [13.Т5,460].

Кейинчалик мақсад муоммосига Ф.В.Шеллинг ҳам мурожат қилган Унинг фикрича обектив олам ва онгнинг мақсадли интилишининг асосини фаолият ташкил қилади. Инсоннинг бутун онгли фаолияти аниқ мақсақга йўналтирилган [15,360]. Мақсаднинг мавжуд объектига мос келмаслиги зиддиятни келтириб чиқаради. Бу эса фаолиятнинг идеалликдан обективликка ўтишини таминлайди. Шеллинг биринчи бўлиб мақсад категориясидан ажралмас тушунча бўлган “режа” тушунчасини таҳлил қилади. Шеллинг терминалогиясида режа бу “схема” дир. Яъни тегишли мақсадда қурилиши мумкин бўлган объектнинг тасаввуридаги тахминий тасвири, мақсад ва объектни боғловчи бўғин сифатида тушунтирилган.

Немис классик фалсафасининг энг йирик вакили Ф.В.Гегел мақсад категориясини ривожлантиришда ўзига хос

ҳисса кўшиди. Гегелнинг мақсад тўғрисидаги қарашларида ушбу масала бўйича ўзидан олдинги фалсафий ғояларнинг таъсири сезилиб туради. Бунга Арестотелнинг инсон фаолияти жараёнида мақсаднинг ўрни таҳлилини ёки Кантнинг ички мақсад тушунчаси кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Гегел томонидан мақсад тушунчасининг гносеологик ва мантиқий таҳлили асосан унинг “Логика” асарида келтирилган.

Гегел мақсадни инсоннинг ҳаракати, фаолияти негизида кўриб чиқишга ҳаракат қилган. Унингча мақсад фаолият жараёнида уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич – субъектив мақсад, объектив оламга қарама-қарши турувчи, инсоннинг ҳали ҳаракатга киришгунича ҳолатига мувофиқ келувчи мақсади. Гегелнинг кўрсатишича кишиларнинг ҳаракати, мақсади уларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва майлларидан келиб чиқади.

Файласуфнинг фикрича, мақсаднинг субъектив тасаввур сифатида ўзига ҳослиги шундаки, у ўз ичига “ўзи амалга ошириш майлини” қамраб олади.

Интилишларни амалга ошириш ва субъектив мақсад ўртасидаги зиддият фақат фаолиятдагина ҳал этилиши мумкин. Бу жараёнда инсон ташқи дунёни ўз мақсадларига бўйсиндиради. Мақсад ҳаракатда бўлади. Мақсадни аниқлаштириш, унинг ташқи воситалар билан ўзаро муносабати орқали амалга ошади. Мақсадни аниқлаштиришнинг охирига етказилиши биз томонимиздан қабул қилинадиган қарордир.

Иккинчи босқич – мақсад ва фаолиятни амалга ошириш жараёни. Фаолият доимо аниқ бўлади. Бундан зарурий равишда мақсад тушунчасининг конкрет мазмунга эга эканлиги келиб чиқади [3,397]. Мақсадни амалга ошириш икки жиҳатнинг бира номоён бўлишидир. Яъни аниқ мақсадга қаратилган фаолият ва воситанинг бирлигидир. Ҳар бир эришилган мақсад янги мақсадларга эришишнинг воситаси бўлиб ҳисобланади ва бу ҳолат чексиз давом этиши мумкин. Шу маънода мақсад нисбий ҳисобланади.

Учинчи босқич – мақсадни амалга ошириш босқичи. Бунда субъектив мақсад ва объект ўртасидаги зиддият ҳал этилади. Шундай қилиб амалга оширилган мақсад бу – субъективлик ва объективликнинг жоиз бўлган бирлигидир [3,398]. Мақсаднинг натижга мувофиқ келиши субъект маҳоратининг кўрсаткичидир.

Гегел мақсад ҳаракатини татқиқ қилишда имконият ва воқеилик, мазмун ва шакл, сабаб ва оқибат категорияларини ишлатади. Унинг фикрича мақсаднинг воқеиликка айланишида мавжуд шароит билан бир қаторда инсоннинг фаол ҳаракати ҳал қилувчи рол



ўйнайди. Гегел мана шу тарзда инсоннинг аниқ мақсадни кўзлаган ҳолдаги фаолияти диалектик жараён эканлигини кўрсатиб берган.

Гегел шу билан бирга, “мен ҳоҳлаганларимнинг барчаси энг улугвор, энг муқаддас, бу менинг мақсадимдир, мен бунга тайёр бўлишим зарур, мен буни маъқуллашим зарур, мен буни яхши деб ҳисоблашим зарур” [3,396] деб таъкидлайди.

Немис классик фалсафасининг вакиллари яна бири Л.Фейербах инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятининг анча кенг ёритиб беришга ҳаракат қилди. У инсоннинг ҳар бир ҳаракати олдиндан белгиланган муайян ният, онгли мақсад асосида юз беради, деб ҳисоблайди.

Фейербах мақсадга эришишга интилувчанлик (собиққадамлик), қуйилган мақсадга содиқликни юқори баҳолайди, инсоннинг бутун фаолиятини уларга буйсундирмоқчи бўлади. Бутун ҳаёт давомида ягона олий мақсадга эга бўлиш, унга ўзининг кучи, диққат-эътиборини жалб қилиш – бирор нарса охиригача эгаллаш ва ҳаётга татбиқ қилишнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади. “Умуман олганда инсон маълум мақсадларга мос равишда ҳаракат қилувчи мавжудотдир, у мақсадсиз ҳеч бир ишни амалга оширмайди” [12, т.2, 629]. Фейербахнинг фикрича, инсоннинг мақсади ўзининг ва бошқаларнинг бахти учун интилишидадир [12, т.1, 622-623]. Инсон тақдир тақозоси билан эмас, балки ўзи ўз мақсадини белгилайди, ўз ҳаётини қуради. Демак инсон ўз мақсади ва ҳаётини ўзининг табиатидан ўзини қобилияти ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда танлайди.

Аммо, Фейербах, инсоннинг мақоми тўғрисидаги диний – мистик қонидани инкор қила туриб, инсоннинг мақсадини тула ёритиб бера олмади. Бунга унинг инсон тўғрисидаги бир ёқлама таълимоти ҳалақит берди. Негаки, файласуф ўз таълимотида инсонга хос бўлган хусусиятларни унинг табиатидан кидирди.

Фалсафа тарихида инсонни татқиқ қилишда экзистенстиализм фалсафаси муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Экзистенстиализм “мавжудлик моҳиятдан олдин келади” нуқтаи назаридан туриб инсонни татқиқ этади. Ушбу фалсафанинг асосчиси Мартин Хайдеггер қарашлари кўра, инсоони ҳақиқий моҳияти унинг мавжудлигидадур. Яъни инсоннинг мавжудлиги унинг моҳиятидан аввалдир. Демак, инсоннинг ҳақиқий борлиғи – унинг мавжудлигида яширин бўлади. Шунинг учун ҳам инсоннинг асосий мақсади ўз-ўзини англаб етишдан иборат бўлиши керак.

Экзистенстиализмнинг вакилларида бири Жан Пол Сартр ушбу фалсафанинг “мавжудлик моҳиятдан олдин келади” қондасига асосланган ҳолда инсон ҳаётининг маъноси ва мақсадини очиб беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, одам дастлаб дунёга келади, мавжуд бўлади, кейинчалик ўзини қандай шакллантирса шундай инсон бўлиб етишадди. Инсоний хусусиятлар ҳар бир кишига табиат томонидан ҳам, ҳудо томонидан берилмаган. Қандай одам бўлиш ҳар бир кишининг ўз қўлида. Сартр инсоннинг ким ва қандай бўлиши фақат ўз-ўзини англашидан иборат бўлмай, балки шу билан бирга ўз иродасини намоён қила олишига ҳам боғлиқдир, деб ҳисоблайди. Чунки, унинг фикрича, инсон ўзини мавжуд бўлиб яшай бошлаганидан сўнггина англай бошлайди ва мана шу мавжудликнинг такомиллашиб бориши жараёнида ирода ўзини намоён қилади. Яъни инсон ўзини-ўзи шакллантиради, инсон қилади – бу экзистенстиализмнинг биринчи принциpidир, дейди Сартр [10,29].

Шундай қилиб, экзистенстиализм фалсафаси инсон ҳаётининг маъноси ва мақсади ҳар бир кишининг ўз-ўзини англашида, ўзгартиришида ва мана шу йўлда тинимсиз интилишида, фаол ҳаракатида деб билади.

Юқорида кўриб чиқилган мулоҳазаларда “ҳаётнинг маъноси”, “ҳаётий мақсад” тушунчалари у ёки бу томондан очиб берилган. Ушбу қарашларнинг муаллифлари инсоннинг такомиллашуви, унинг маърифати, янги илғор ахлоқ, ўз-ўзига ижтимоий муҳитни ўзгартириш кучига эга, деган нуқтаи назарга асосланган ҳолда қуйилган масалага ёндашганликлари кўриниб турибди.

Шу ўринда инсоният тафаккурининг муайян қисми ҳисобланганлиги боис Марксизм намоёндаларининг ҳам бу масаладаги қарашларини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш муҳим ҳисобланади. Чунки шахс ва жамият ҳаётининг барча муҳим муаммолари қаторида инсоннинг ҳаётий мақсадлари муаммоси ҳам Марксизм таълимотида атрофлича ўрганилган. Марксизм ва унинг давомчилари инсонни моҳият мазмуни, мақсад ва вазифалари масаласида бир мунча ўзгача фикр юритганлар. Уларнинг ушбу масалага оид қарашларида инсоннинг ижтимоий моҳиятига алоҳида урғу берилиши кўриниб туради.

Карл Маркс ва Фридрих Ингелс инсоннинг билиш ва амалий фаолиятининг қонуний ҳарактерини, сабабий алоқадорлик ва фаолият мақсадини, билишнинг инъикос жараёни эканлигини ва мақсадга мувофиқ пайдо бўлиши ва ривожланишини, амалиёт жараёни структурасининг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини, мақсад ва воситалар диалектикасини, турли даражадаги мақсадлар иерархияси масалаларини кўриб чиққанлар. Ушбу назарияга биноан

инсоннинг ҳаётини мақсади унинг фаолиятида номоён бўлади. Аммо, ташқи олам томонидан берилган мақсад инсон томонидан ўзлаштирилади ва унинг ички мақсадига айланади. Ташқи мақсадлар “ўзининг фақат ташқи кўринишини, табиий зарурийлигининггина йўқотади ва индивиднинг ўз олдига қўйган мақсади бўлиб қолади” [7, т.26, 109].

Совет даври фалсафасида синфий ёндашув ҳукмронлигига, Марксча дунёқараш анъаналари асосида ривожланишига қарамасдан мақсад тушунчасини янги асосларда ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ҳусусан, ҳаётини мақсад тушунчасининг илмий контекста фаоллашуви ҳам айти шу давр фалсафасига ҳос хусусиятдир.

Бу даврда шахснинг мақсадлари ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ ҳолатда кўриб чиқилди. Ушбу масалада Л.Н.Коган қарашлари алоҳида ажралиб туради. Унинг фикрича ўзининг қобилияти ва эътиқодини ижодий имкониятлари ва маънавий бойлигини жамият тараққиёти ва умумий манъфати йўлида сарфлаш ҳар бир кишининг аниқ ҳаётини мақсади бўлиши керак. Л.Н.Коган “инсоннинг барча кучлари ривожланиши”(К.Маркс)ни нафақат шахснинг ижтимоий тараққиёт олдидаги вазифасини бажариш воситаси сифатида, балки, шу билан биргаликда шахснинг ўз мақсади, яъни инсон ҳаёти маъносининг ажралмас элементи сифатида ҳам кўриб чиқади. Коганни аввало ушбу муоммонинг етарли даражада ёритиб берилмаган жиҳатлари қизиқтиради. “Шахснинг ўз кучи ва қобилиятини жамият манфаати йўлида сарфлаш, унинг ички мақсади ва камолотининг меъзони сифатида инсоннинг ўз-ўзини номоён қилиши ва ҳаётининг мазмунини ташкил этади”[5,8],- деб таъкидлайди Коган.

Л.Н.Коган мақсад ва ҳаёт маъносининг алоқадорлиги ҳақида шундай ҳулоса чиқаради: “Инсон, фақатгина унинг ўзи, ўз маслағи ва ҳаётининг маъносини белгилайди. Ҳаётини мақсадни белгилашнинг асосини инсоннинг ҳаётининг қадри ҳақидаги ўй ҳаёллари, мулоҳазалари ташкил этади. Бунда ушбу қадриятларнинг нафақат алоҳида инсон учун, балки бошқа кишилар учун ҳам, жамият учун ҳам аҳамиятли эканлигини ҳисобга олиш керак бўлади”[5,218]. Коган ҳаётини мақсад ва ахлоқий танловнинг алоқадорлигига эътибор қаратади. Коган фикрича, улар шаснинг интилишлари, қарори ва мўлжалларига боғлиқ бўлади. Охир оқибатта эса, инсоннинг ҳаётини мақсадини объектив асосда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар системаси белгилайди. Айти вақтда ҳар бир инсон муайян даражада муқобил ҳаёт тарзини танлаш эркинлигига эга бўлади.[5,224].



Мақсад танловнинг номоён бўлиш шакли сифатида файласуф Б.А.Воронивич томонидан ҳам таҳлил қилинган. “Ижтимоий муҳит кишилар фаолиятига умимий асос, сабаб бўлади, аммо уларнинг мақсадларини қатъий равишда бир хил белгиламайди. Айни бир шароит турли шаклдаги яратувчанлик фаолиятларининг вужудга келиши учун имкон ҳисобланади. Бунда қай бир муқобил вариантни танлаш инсонга, унинг онги ва иродасига боғлиқ бўлади. Кишилар ўз ҳаёт тарзини яратадилар, ўзларининг мақсадларига мос келадиган фаолият шакллари танлайдилар” [2,38].

Муаллиф мана шу ўринда мақсаднинг реаллиги масаласига алоҳида тўхталади: “Инсон фаолияти қўйилган мақсадга боғлиқ. Мақсад фаолиятнинг усули ва мазмунини белгилаганлиги учун ҳам, субъектнинг амалий ҳаракати унинг эҳтиёжлари ва манфаатларига мос келиши масаласи энг аввало, мақсаднинг реаллигига боғлиқ бўлади. Агар мақсад инсоннинг эҳтиёжларига асосланса у фаолиятни инсонга айнан керак бўлган нарса ҳодисалар томон олиб боради.

Инсон эҳтиёжларининг онгдаги нотўғри инъикоси унинг ҳаракати билан унга зарур бўлган нарсаларнинг ўхшашлигига олиб келади. Агар инсоннинг субъектив интилишлари унинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келсагина ҳаққонийдир [2,63].

Совет даври файласуфларидан яна бири Э.Г.Юдин мақсад категориясини фаолият тушунчаси негизида татқиқ этган. Унинг қарашларига кўра фаолият тушунчаси ҳозирги замон фани, билиш назариясида методологик аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам фаолият принципи ёрдамида инсонга умимий тавсиф бериш мумкин. Хусусан мақсад тушунчаси инсон фаолиятининг структурасини ёритиш имконини беради. “Мақсад куйиш жараёнида фаолият муҳим ўрин эгаллаб айнан у субъективлик ва объективликнинг бирлигини тامينлайди. Хусусан воқеиликни инъикос эттириш жараёнида ижобийлик ва салбийликнинг ажралмаслиги ушбу бирликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Айнан “салбий инъикос” инсоннинг воқеийликка бўлган муносабатини ифодалайди... ва уни воқеиликни ўзгартиришга ундайди. Шундай қилиб мақсад мазмун жиҳатдан объектив, шакл жиҳатдан эса субъектив ҳисобланади”. [16,269]. Инсон ҳеч қачон бир мақсадни амалга ошириш билан чегараланиб қолмайди. Шунинг учун ҳам мақсадлар иерархияси муоммосига тўқнаш келишимиз муқаррардир. Инсон фаолиятининг кейинги мантиғи айнан шу ҳолатларга боғлиқ [16,270].

Ҳозирги замон фанида мақсад тушунчасини тарифлашда ягона ёндашув йўқ. Мақсад тушунчасига файласуфлар турлича тарифлар беришган. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Фаолият бошланишини белгиловчи дастлабки асос (И.Т.Фролов);

Англинган эҳтиёж, талаб (А.Т.Спиркин);

Орзу қилинган келажакни инъикос эттириш шакли, яъни талаб этилган предмитнинг акс эттирилиши (А.В.Борзенко);

Фаолиятнинг объектив имконияти ва унинг назарда тутилган натижасини англаб етиш (И.О.Мартинюк);

Объектив воқеиликни англинган талабларига мос равишда ўзгартиришга қаратилган фаолият натижасининг келажакдаги идеал образи (А.И.Ясенко);

Истиқболдаги натижаларнинг англинган образи (О.К.Тихомиров);

Субъект томонидан идеаллаштирилган, олдиндан режалаштирилган фаолият натижаси(Л. И. Анциферова);

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, фалсафа энг қадимий фанлардан бири сифатида биринчи бўлиб мақсад муаммосини ўрганишга киришган. Фалсафада мақсаднинг қуйидаги жиҳатлари таҳлил қилинган:

-мақсадни инсон ҳаётининг мазмуни билан боғлиқ ҳолатда тушуниш ва таҳлил қилиш(инсон мақсаадларининг шаклланиши ва ўзгариши – инсоннинг моҳияти, жамиятдаги ўрни ва ҳолатининг тарихий ўзгаришига мувофиқ келади);

-мақсад тушунчасини тарифлашдаги ёндашувларнинг ҳилма-ҳиллиги;

-фалсафада мақсад ва мақсад қўйишга бўлган ёндашувларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Идеалистик ёндашув – мақсадни инсон ҳаётига маъно берадиган, унинг мақсадлари ва қадриятларини белгиловчи дастлабки яратувчи қудратнинг иродаси билан боғлиқ деб тушуниш;

2) Имманент фалсафий ёндашувга кўра мақсадларни шахснинг ички эҳтиёжлари белгилайди, у инсон табиатига боғлиқ бўлади;

3) Материалистик ёндашувга кўра мақсадлар шахс ва жамиятнинг эҳтиёжлари ва қадриятларидан келиб чиқади ҳамда шу жамиятнинг тараққиёт даражасига мувофиқ бўлади.

Фалсафа тарихида мақсад тушунчаси категория сифатида ўзгариб, ривожланиб борган. Илк даврларда мақсад ҳақидаги тушунча ва қарашлар оддий, етарли даражада мантиқий асосланмаган бўлса, кейинчалик мақсад тушунчаси аста-секин чуқур ва ҳар томонлама мантиқий таҳлил этилиб борди. Ҳозирги кунга келиб эса бу тушунча ҳақиқий илмий-фалсафий категория мақомига эга бўлди.

Мақсад категориясининг ривожланиб бориши жараёнида унинг турли шакллари, поғоналари ва бошқа жиҳатлари ўрганила бошлади (ҳаётий мақсад, фаолият мақсади, охириги мақсад, нисбий мақсад, субъектив мақсад, кабилар).

Ҳозирги кунда айниқса мақсад категориясининг маънавий доирасига кирувчи ҳаётий мақсад, режа, восита мақсадга мувофиқлик каби тушунчалар илмий муҳокамада бўляпти.

ХУЛОСАЛАР

Ҳаётий мақсадлар муоммосининг асосларини фалсафий жиҳатдан ўрганилиши - мақсад категориясининг моҳияти, унинг инсон фаолиятида тутган ўрнини тушуниб етишда, шунингдек, ҳар бир шахснинг ўз ҳаётий мақсадларини англаб етиши ва белгилаб олишида ёрдам беради.

Бизнинг ушбу татқиқотимизда Арестотилнинг инсон фаолияти жараёнида мақсаднинг роли, мақсаднинг ижтимоий муҳит билан алоқадорлиги тўғрисидаги ғоялари, Шеллингнинг инсон онгли фаолиятининг аниқ мақсадга йўналтирилиши, унинг диалектик хусусиятлари ҳақидаги фикрлари ва режа категориясининг таҳлили, Кантнинг “ мақсад ўзи нима?” - деган мантиқий муоммо чегарасидан чиқиб “инсоннинг мақсади ўзи нима?” – деган муоммони таҳлил қилишга ўтиши ахлоқий – фалсафий масалаларда бурилиш ясади ва унинг кейинги ривожига ўзининг таъсирини ўтказди.

Мақсад муоммосини татқиқ этишда Гегелнинг фалсафий назарияси катта аҳамият касб этди. Унинг фаолият тўғрисидаги қарашларида фаолият структураси ва диалектикаси батафсил таҳлил қилинди, мақсад ва воситанинг ўзаро бир бирини белгилаши ва тоқоза этиши кўрсатиб берилган. Фаолият структураси ва мураккаб динамикасининг Гегелча таҳлили мақсаднинг мазмун моҳиятини чуқурроқ татқиқ этишга йўл очиб берди. Шундан сўнг “ фаолият” инсон билан боғлиқ турли илмий тушунчаларни, жумладан, ҳаётий мақсад категориясини ҳам тушунтириб берадиган универсал принципга айланди. Кейинчалик ушбу принцип М.С.Коган,

И.Г.Юдин сингари олимларнинг асарларида янада ривожлантирилди.

Шундай қилиб, ҳаётий мақсад тўғрисидаги фалсафий қарашларни таҳлил қилиш бизга мақсад, уннинг турли шакл ва даражаларини чуқурроқ англаб етишимизга ёрдам беради ҳамда ҳаётий мақсад категориясининг янги қирраларини татқиқ қилишимизда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

REFERENCES

1. Аристотель. Этика. - М.: АСТ, 2010. — 190 с.
2. Воронович Б. А. Созидательный потенциал человека. — М.: Мысль, 1988. - 188 с.
3. Гегель Г.В.Ф. Энциклопедия философских наук. - М.: Мысль, 1975. <https://books.google.co.uz>
- 4.Йўлдошев С. ва бошқ. Қадимги ва ўрта асрлар ғарбий европа фалсафаси. Т.: “Шарқ”. 2003.-208 б.
5. Коган Л. Н. Цель и смысл жизни человека. - М.: Мысль. - 1984. - 252 с.
6. Маматов Н. Ва бошқ. Фалсафа тарихи (Шарқ ва Ғарб фалсафаси, ўқув қўлланма). Тошкент, ГМИ - 2006й. 230 бет.
- 7.Маркс К., Энгельс Ф. Соч. в 30-ти т., 2 изд. - М.: Госполитиздат, 1955.
- 8.Назаров Қ. ва бошқ. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. - Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004 йил, 472 бет.51 –бет
- 9.Платон. Соч. В 3-х т. Пер. Под общ. Ред. А. Ф. Лосева и др. — М.: Мысль, 1972.
- 10.Сартр Ж. - П. Экзистенциализм. - это гуманизм. - М., 1953
- 11.Фасоро С.А., 2019. Кант о человеческом достоинстве: автономия, человечность и права человека. <https://cyberleninka.ru/article/n/kant-o-chelovecheskom-dostoinstve-avtonomiya-chelovechnost-i-prava-cheloveka>
12. Фейербах Л. Избр. филос. произведения. - М., 1955. - Т. 1,2
- 13.Философская энциклопедия. — М.: Сов. Энциклопедия, 1970. Т. 5.
- 14.Цитаты известных личностей. <https://ru.citaty.net/avtory/sokrat/>
- 15.Шварцман К. А. Философия и воспитание. — М.: Политическая литература. - 1989. - 207 с
16. Юдин Э. Г.Системный подход и принцип деятельности. - М., 1978.- 392 с.
17. Sindorkulovich, K. S. (2020). The significance of socio philosophical study of young people's life goals. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(4), 523-527.
18. Khotamov, A., & Sindorkulovich, K. S. (2020). The study of the problem of life goal in the history of philosophy. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(4), 34-42.